ми билан жинойи тил бириктириб, расмий ҳужжатлар ҳисобланган 2008 йил 28 февралдаги, 28 мартдаги ва 31 майдаги тўлов топшириқномала- рига пул маблағлари кўчирилаётган- лиги ҳақида сохта маълумотларни киритиб, унга ўзида сақланаётган ЯТТ "Ш.Исломов"нинг муҳрини босиб, Ш.Исломовга хизмат кўрсатувчи опе- раторга тақдим қилади. Шу йўл билан 121 минг 900 сўмлик пул маб- лағларини таниши ЯТТ Г.Каримован- нинг ҳисоб рақамига кўчириб, талон- торож қилади.

тегишли моддалари билан энг кам ой- лик иш ҳақининг 160 баравари миқ- дорда жарима жазоси тайинланди.

Сулланувчи Ш.Исломовдан фуқаро- вий даввогар Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси фойдасига 1 млн. 628 минг 500 сўм ундириш, дастлаб- ки тергов давомида хатланган "Моск- вич-412" русумли автомобилнинг зарарни қоплашга қаратилиши ҳам суд ҳукмидан жош олган.

Алишер ЭШКУВВАТОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

ИСЛОҲОТЛАРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ!

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаоли- ятига жуда катта имкониятлар яратиб бе- рилганлиги ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг таъминланишида кат- та роль ўйнамоқда. Бу эса иқтисодий ис- лохотлар самарасини белгилувчи мезон эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб ту- рибли. Лекин мазкур йўналишда ўтказил- ган назорат тадбирлари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсиқ бўла- ётганлар ҳам учраб турганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолларда тадбиркорлик субъект- лари манфаатларини ҳимоя қилиш чо- ралари кўрилиб, айбдор шахсларга нис- батан тегишли прокурор назорати ҳуж- жатлари қўлланилмоқда.

Ҳусусан, Учқудуқ туман прокуратура- си ўтказган назорат тадбирларида туман ҳокимлиги бўлими мудири Э.Холибеков Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизо- мини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-сонли Қарори ҳамда меҳ- нат интизомини кўпол равишда бузиб, яқка тартибдаги тадбиркор Х.Гаппаровнинг "Морс" шарбати ишлаб чиқариш цехи куриш учун ер ажратилиши сўраб туман ҳокими номига ёзган аризасини ҳокимнинг қабул қилини эмаслигини вақ қилиб, гай- риконуний тарзда рад этганлиги аниқлан- ган. Оқибатда Э.Холибековга нисбатан ин-

тизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилиб, тадбиркор Х.Гаппаровга цех куриш учун 0.06 га ер майдони ажратиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, Зарафшон шаҳар проку- ратураси ўтказган назорат тадбирларида мазкур банкка мурожаат қилган яқка тартибдаги тадбиркор В.Иванов ўз ҳисоб ра- қамидан мавжуд бўлган маблағларидан 1.5 млн. сўм пулни ололмаётганлиги аниқ- ланган. ТИФ "Миллий банки" Зарафшон филиали кооператив миқдор билан иш- лаш бўлими бош мутахассиси Қ.Хиди- ров В.Ивановнинг пул маблағларини асо- сесиз равишда тўлаб беришдан бош тортиб, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфа- атларини бузган. Тадбиркор В.Ивановга банкдаги ҳисоб рақамдан 1.5 млн. сўм олиб берилиши таъминланиб, унинг ҳуқуқлари тикланди. Қ.Хидировга нисба- тан МЖТКнинг тегишли моддаси асо- да маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзғатилади.

Демоқчимизки, тадбиркорлар манфа- ти қонун ҳимоясида. Уларнинг фаоли- ятига тўғаноқ бўлиши интиланганлар бил- ан ҳеч қачон муро-са қилинмайди.

Самандар АСТОНОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

Вилоят прокуратураси, вилоят адлия бошқармаси, вилоят ИИБ ва Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакиллиги ҳамкорлигида вилоят касабга уюшмалари кенгаши биносида "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш масалалари" мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

ПРОФЕССИОНАЛ МАЛАКА МУҲИМ МАСАЛА

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ин- сон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, соҳадаги қонуналар ижросини амалга ошириш, фуқаролар муро- жаатлари бўйича қонунчилик та- лаблари юзасидан қизгин фикр ал- машувлар бўлди. Шунингдек, қонуналар тарғиботи, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз суд- ҳуқуқ тизимида туб ислохотлар жараяни давом этмоқда. Қонунчи- лимиз тибора тақомиллашиб бораётганининг гувоҳи бўлиб тури- римиз. Ана шу жараянда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хо- димлари ўзларининг касб малака- сини, профессионал маҳоратлари- ни ошириб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, олдимизда

адолатли, фуқаролик жамиятини бар- по этишдек улуг мақсадлар туриб- ди.

Ўқув семинарида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурлида Олий ўқув курслари ўқитувчиси Ж.Раҳмонов "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда про- куратура органлари ходимлари- нинг касб малакасини ошириш масалалари", Тошкент Давлат юридик институтини ўқитувчиси Н.Қурбонов "Жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг аҳа- ми- яти" мавзуларида маъруза қили- лар.

Тадбир иштирокчилари ўртаси- да бўлиб ўтган ўзаро фикр алма- шувлар, савол ва жавоблар барча учун гоят фойдали бўлди.

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ИШИ ҲИМОЯ

"Соҳиб" кўп тармоқли савдо ва ишлаб қилишда давлат рўйхатидан ўтказган. Фаолият кўрсатиб, бемалол ишини давом эттаётган, яхшиликка олиб келмаслигини у

МЧЖ билан ҳам давом этган.

27 ноябрда мазкур корхона билан 12 млн. 60 минг сўмлик 134 тонна це- сулотларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Шартнома шартларига қура амита олдиндан тўлов сифатида келиб 1 млн. 30 минг сўм маблағлардан 5 млн. 464 тонна цементни 2007 йил март эгиб берган. Қолган қисмини етказиб "Тахиятош-Темирбетон" МЧЖ дан 2007 йилда банк орқали келиб тушган жами 5 млн. 500 сўмга цемент маҳсулотларини қорига етказиб бермасдан, нақд пулга ўтган.

Ташкент Республикаси Хўжалик суди- нинг 15 июндаги ҳал қилув қарорига асо- бахши Соҳиб" фирмасидан "Тахиятош- Темирбетон" МЧЖ фойдасига асосий қарз 2 млн. 680 деня 7740 сўм, почта харажатлари ва 724 сўм давлат божини ундириш белги- ланишига қарамасдан суднинг ҳал қилув ҳукмидан бажармасдан келган.

Сулланувчига "тадбиркор" бўлганга суд томонидан тегишли жазо та- **Зокиржон БАРНОЕВ,**
Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси

2009 йил мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровон- лиги йили" деб эълон қилинганли- ги муносабати билан вилоят прокуратураси органлари томони- дан Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳоли жойларини сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 405- сонли қарори ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва электр энергияси билан таъмин- лаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан маҳаллий

ларга йўл қўйилганлиги аниқлан- ди.

Жумладан, Навбахор, Қизил- тепа, Қонимех ва Кармана туман- лари электр тармоқлари корхона- лари томонидан Вазирлар Маҳка- масининг 2005 йил 27 январдаги "Электр ва иссиқлик энергияси- дан фойдаланиш қондаларини тасди- қлаш тўғрисида"ги 32-сонли қарори талабларига риоя қилин- масдан 2008 йилда аҳолидан нархини ошириб қўллаш ҳисоби- га 3 млн. 304 минг сўмлик ошиқ- ча маблағ олинган.

ҚИШЛОҚ ФАРОВОН БЎЛСА...

ҳокимликлар, тармоқ идоралари мутахассисларини жалб этган ҳолда текшириш ўтказилди.

Текширишда Вазирлар Маҳка- масининг мазкур қарорига асосан ишлаб чиқилган Дастурга киритил- ган қишлоқлар газлаштирилма- ганлиги, бу борада аҳоли эҳти- ёжи ҳисобга олинмаганлиги, электр ва газ таъминоти идорала- ри томонидан истеъмолчилардан ошиқ- ча маблағ олинганлиги, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун ажратил- ган бюджет маблағлари талон-то- рож қилинганлиги, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда ва бошқа ҳолатларда қонунбузилиш-

2008 йилда электр ускуналари, трансформаторлар ва бошқа электр жиҳозларини смета бўйича 510 млн. 200 минг сўмлик ка- питал таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлари ўрнатиш режалашти- рилган бўлса-да, 176 млн. 800 минг сўмлик ишлар бажарилган, холос.

Ўтказилган назорат тадбирла- ри давомида туман электр тар- моқлари корхонасида тасдиқлан- маган (норéal) қарздорликни қоплаш мақсадида туғатилган ёки фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига асосий қўшиб, ҳисоботлар сох- талаштирилган.

Нурота туман электр тармоқ- лари корхонаси мансабдор шах- слари туманда туғатилган 12 та хўжалик юритувчи субъектлар билан электр энергияси таъмин- ноти бўйича шартнома тузилма- ган ва электр энергиясидан фой- даланилмаган. Аммо улар ҳисоб- га 582 млн. 193 минг 700 сўмлик тасдиқланмаган (норéal) қарз асосиз қўшиб, ҳисобот- лар сохталаштирилган. Шунга ўхшаш сохтакорликлар Навба- хор, Қизилтепа туман электр тармоқлари корхоналари мансаб-

дор шахслари томонидан ҳам со- дир этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 405-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган Дастурга киритилган Нурота ту- манида 22 та, Хатирчи туманида 17 та, Навбахор туманида 7 та, Қизил- тепа туманида 6 та қишлоқ маб- лағ ажратилмаганлиги сабабли газ- лаштирилмаган.

Газлаштирилмаган қишлоқ- лардаги хонадонларнинг газга бўлган йиллик эҳтиёжи белгилан- ган метёрга нисбатан 2007 йилда 1837 тонна, 2008 йилда 2047 тон- нага тенг бўлса-да, газ миқдори

берилган табиий газ учун тўлов- ларини ўз вақтида ундириш чора- лари кўрилмаган, оқибатда 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 738 млн. 200 минг сўм тасдиқланма- ган қарздорлик юзасига келиб, дав- лат манфаатларига жуда кўп миқ- дорда зарар етказилганлиги аниқ- ланган.

Қишлоқ инфраструктурасини янада ривожлантириш бугунги кунимизнинг муҳим вазифалари сирасига кирди. Шундай экан, бу жараянда қатъият билан иш олиб бориш тақозо этилади.

Умид РАЖАБОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлими катта прокурори

Унинг ота-онаси шаҳарнинг обрў-эътиборли кишилари эди. У ота-онасининг обрўси соясида тобора талтайиб борар, нафақат тендошларини, ёши улугларни, муаллимларни менсимас, дарсада қулоғига "наушник"ни тиқиб олиб, мусика-ашула тинглаб ўтирарди. Мактабдан кейин, лицейда ҳам ёлчитиб ўқимади. Отаси, онасининг кўзини шамғалат қилиб кўнгуллар дискотекалар-у, ресторо-ранларда кайфу сағога берилди. Бу-нинг учун уйдагилар бераётган пул етмасди. Жисмоний тарбия дarsi чоғида ечинши хонасидаги бўш-баёвроқ ўқувчиларнинг пуллари-ни ўнгирлади.

Отаси уни бир амаллаб инсти-тутга жойлади. У энди "героин"ни ҳам татиб кўрди. "Героин"га пул топиш учун бошқа тендошлари-га жиндай-жиндай пуллашга киришганда милиция ходимлари-нинг қўлига тушди. Сулданиб, мажбурий даволанишга ҳукм

нинг машинасини ўғирлаб қочган-ни учун сулданиб қамалди. Жазо-ни ўтаб қайтанида хотини битта боласи билан бошқа одамга тур-мушга чиққан эди. Бирон жойда ёлчитиб ишламади. Аламанин ичкиликдан олди. Пивохонада ўзига ўшаган пияниси билан жанжал-лашиб, пичоқлаб қўйди. Хайрият-ки, у тирик қолди. Бироқ отаси инфаркт бўлиб, оламдан ўтди. Она-си ҳам бу дарду ҳасратларни кўта-ра олмай, ярим йилдан кейин ҳаётдан кўз юмди.

Одам меҳнат билан тирик. Аке ҳолда тирик мурдага айланади. Ўқиш ҳам меҳнат. Болалигидан ўқинишга берилган, меҳнат кўник-маси шаклланиб улгайган киши-лар бирон-бир хунарнинг этаги-дан тўтиб, ҳаётда ўз йўлларини топиб олишади. Юқоридаги ҳаётий мисолларда кўрганимиздек, бекор-чилик, ишсизлик киши руҳияти-га ёмон таъсир қилиб, ҳуқуқбузар-лик, жиноят кўчасига бошловчи

минлаш, фуқароларнинг меҳнат-га оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг дол-зарб вазифалари сирасига кириди.

Таҳсилларда аниқланганидек, Андижон вилояти аҳолисининг ярмидан зиёдини ёки 1,4 млн. на-фарини меҳнат ёшидагилар ташкил этади. Вилоятда бўш иш ўринлари-дан фойдаланиш, ходимларни та-даб юқори мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлаш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирлар кўри-либ, шу йилнинг ўтган олти ойида 42373 та иш ўринлари яратилган. Иш сўраб мурожаат этган 29184 нафар фуқаронинг 25398 нафари ишга жойлаштирилган. 2158 кишига иш-сизлик мақоми берилган, 865 киши қайта ўқишга юборилган, 1305 киши ҳақ тўланадиган вақтинчалик ишларга жалб қилинган. Шунинг-дек, меҳнат бозорига тенг рақобат-лаша олмайдиган фуқароларга 530дан зиёд корхоналарда квотан-ланган 6430 та иш ўринларига 2900

чеккан. Шу тариқа қонунга зид ра-вишда ушбу фуқарога салкам 145 минг сўм ишсизлик нафақаси тўланган.

Хужабод туманидаги бандлик-ка кўмаклашувчи марказ мансаб-дорлари аслида фаолият юритма-ётган "Д-Ординат" хусусий фир-масига 15 нафар фуқаро қайта касб-га ўқитишга юборилгани тўғриси-да сохта ҳужжатларни расмийла-штирилган. Шу тариқа қайта касбга ўқитишга ажратиладиган мабла-ғининг 1 млн. сўмдан зиёдини ўла-штириб олишган. Бундан ташқари 6,8 млн. сўмини илдорнинг смета харажатларида кўзда тутилмаган "тадбир"ларга сарфлашган.

Шунингдек иш ахтариб юрган фуқарони айдангов товламачи фош этилди. М.Ашуров фуқаро Ш.Тур-сунбоевни ўзи назоратчи бўлиб ишлаган "Ўзбегим бургуларни" хусусий корхонасига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб 200 АҚШ долларига тенг маблағини олиб ўз

па туман бандликка кўмаклашув-чи марказда ҳам ана шундай қонунбузилишда ийўл қўйилган. Шу билан бирга ишсизлик нафа-қасини тайинлаш, тўловларнинг назоратини юритиш ва тўхтатиш-да қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаган. Икки ҳафтада бир мар-та меҳнат нозирига учраш шarti-га риоя қилмаган И.Солиевага тайинланган ишсизлик нафақаси-ни тўлаш комиссия йиғилиши қарори билан тўхтатилган-у, бу ҳақда тегишли буйруқ чиқарилма-ган. Аксинча, ишсизлик нафақаси тайинланган Б.Рустомова қишлоқ фуқаролар йиғинига котиба лаво-зимига ишга кирган бўлса-да, меҳ-нат нозир О.Даминовнинг масъ-улиятсизлиги оқибатида нафақа тўлови тўхтатилмасдан салкам 50 минг сўм ортиқча тўланган.

Янги иш ўринлари яратиш учун ажратилган кредит маблағ-ларининг мақсадга мувофиқ сарфла-ниши назоратсиз қолдирилган. Ху-

ИНСОННИ МЕҲНАТ УЛУҒЛАЙДИ

қилинди. Олти ой даволаниб қай-тангандан кейин квоталанган ишга кирди. Заводда ишлаб яорди таниб бўлмас даражада ўзгарди. Китобни қўлидан қўймай, энди ўзининг кучи билан қайта ўқишга кирди. Ўқийдиган бўш пайтлари ижарага олган "Дамас" машинасида тун яр-мигача киракашлик қилиб, ҳалол пул топиб ишлаб бошлади. Дип-ломни олганидан кейин ўша за-водда ишлаб юрди, уйда эгалди. Те-жаб-тергаб, пул йиғиб, банк кре-дити ҳисобига "Матиз" машинаси-ни сотиб олди. Корхонада иш сме-нади. Сменадан бўш пайтлари кира-кашлик қилади.

Ҳамон кўнгуллар жойларда кайфу сағога берилиб юрган собиқ улфатлари қайта давраларига тор-тишга уриниб кўришди. Бундан хавотирланган хотинига гапни кал-та қилди.

Раҳматли дадам айтмоқчи, ишлаб одам бўлдим, меҳнатим билан қаторга қўшилдим. Менга панд-насихатнинг ҳождати йўқ. Акамнинг аҳволини кўриб туриб-ман-у!

Уч ёш катта акаси институтда ўқишни ташлаб юборгач, ички-ликка берилди. Маслиҳатда биров-

билвосита сабаблардандир. Бироқ ҳатто тақасалтанг бўлиб улгайган, бунинг оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этганлар ҳам ўтмиш сабоқ-ларидан тўри хулоса чиқара ола-лар, ҳаётда ўз ўрнини топа олади.

Мамлакатимиз қонунлари бар-чага бирдай билим олиш, олган билимларини амалда қўлаб, меҳ-нат натижаларидан баҳраманд бўлиш имкониятларини ҳавола эта-ди. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун шулар жум-ласидандир. Ушбу қонун таълуқли идораларнинг ходимлари зиммаси-га меҳнат қилиш истагидаги фуқа-роларнинг ҳисобини юритиш, до-имий ёки вақтинчалик ишга жой-лаштириш, бошқа касб-корларга қайта ўқитиш, мақбул иш жойига жойлашунларига қадар ишсизлик мақомини бериш, ишсизлик нафа-қасини тайинлаш, иш билан таъ-минлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси билан бундан янги иш ўринларини яратиш ниятидаги ишбилармон ва тадбиркорларга банк кредитларини ҳавола этиш каби ва-зифаларни юклайди.

Тадбиркорликни қўлаб-қув-ватлашга доир қонун ва қонунос-ти ҳужжатларининг ижросини таъ-

нафардан зиёд киши жойлаштирил-ган. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга, фермер хўжалик-лари ҳамда кичик корхоналарга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан сал-кам 346 млн. сўм имтиёзли креди-тлар берилган.

Битирувчи ёшларни ишга жой-лаштириш устувор вазифалардан-дир. Коллежларнинг раҳбарларини амалиёт маълумотлари ўқатил-ган корхона-ташкilotлар билан ке-лишувларга мувофиқ ҳамда ота-оналарининг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда битирувчи-ларга ўша жойларда ишларини учун йўлланмалар беришмоқда. Ўтган олти ойда 60 мартабада ўт-калардан бўш иш ўринлари ярмар-каларида 3292 нафар фуқаро, шу жумладан 1766 нафар битирувчи ёшлар ҳам ишли бўлишди.

Ушбу жараёнда ижобий ишлар билан бирга бир қатор қонунбузи-лиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Ху-сусан, Улуғнор туманидаги банд-ликка кўмаклашувчи марказ мута-хассиси М.Жалолова "Шодлик Файз транс" МЧЖ ишчиси Ж.Фа-ниев номидан иш билан таъмин-лашни сўраб ариза ёзиб, ўзи имзо

эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатилади.

Айрим "тадбиркор"лар томони-дан бирон-бир ишни бошлаш учун банкдан олган имтиёзли кредитни бошқа мақсадларга сарфлаб юбо-риш ҳолатлари учраб турибди. Улуғ-нор тумани "Оқ олтин" кишлоғи-да яшовчи Д.Тургунов сартарош-хона очиб ниятида "Пахта банк-нинг" "Оқ олтин" бўлимидан 4 млн. сўм кредит олган эди. Бироқ сар-тарошхона очмади, кредитни қай-таришни ҳам ўйламади. Суд "иш-билармон"га икки йил муддатга алоқ тўзатиш ишлари жазосини тайинлади.

Бандликка кўмаклашувчи ай-рим марказларнинг ходимлари ҳисоботларни нотўғри юритишган. Балиқчи туманида 6 та яқна тар-тибда ишловчи тадбиркорлар ҳам корхона ва микрофирмалар яра-ган янги иш ўринлари ҳисоботида тиркаб қўйилган. Туманда 109 на-фар фуқарога 1,1 млн. сўм ишсиз-лик нафақаси, 2,4 млн. сўм касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш учун иш ҳақи ва стипендияларини тўлаш учун банк муассасаларига маблағ-лар ўтказиб берилмаган. Кўргонте-

сусан, Кўргонтепа туманидаги "Субҳидам шодиенаси" хусусий корхонаси кредит шартномасида кўрсатилган компрессор ва бошқа ускунани сотиб олиб ўрнатмаган. Бизнес режасида кўзда тутилган 10 та ўрнига 4 та янги иш ўрини яратган, холос. Имтиёзли кредит ҳавола этилган "Омадиер кўржи" фермер хўжалигида эса шартнома-да кўзда тутилган ҳаммом қурил-маган, янги иш ўринлари яратил-маган.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ижроси бўйича таҳлиллар умумлаштирилиб, вилоят доқимитининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошли-ғига тақдимнома киритилди.

Инсон доимий иш билан банд бўлса, рўзгорини тебратishi учун зарур шарт-шароит ва имконият-лар яратилса, жамиятда қонуний-лик мустаҳкамланиб, турли ҳуқуқбузарликлар, қўнучи одам савдосидек гайриинсоний жиноят-ларнинг ҳам олди олинади.

Шермухаммад УСМОНОВ,
Андижон вилоят
прокуратурасининг бўлим
прокурори

2008 йилнинг октябр ойи. Дилшунос бошчилигидаги бир гуруҳ жиноятчилар Фаргона вилояти, Данғара туманидаги Қорақалпоқ кишлоғида яшовчи Умрзоқова Ўғил-ойни тунаб кетиш режасини ишлаб чиқишди. Унга кўра, Дилшунос Тоҳир билан 2008 йилнинг 14 октябр кўни йўловчи машина тутиб, Қорақалпоқ кишлоғидан шериклари Ҳилолани олиш мақсадида унинг уйига боришади. Бундан мақсад меҳмондорчилик эмас, балки Ҳилоланинг ён қўшниси Ўғил-ойнинг уйини кўздан кечирish эди.

Мезбон шерикларига қўшнисини ҳақида керакли маълумотларни берад экан, қўшиб қўйди:

— Ўғил-ой опа уйда қиммат-қиммат тилла тақинчоқлар билан "кўкат" сақлайди. Ўз кўзим билан кўрганман...

Тоҳир унинг гапини бўлди:
— Буни биз ҳам биламиз. Бўлмаса олдин-гизга келиб ўтирмаган бўлардик. Уйга қандай киришимиз ҳақида гапиринг! У қачон уйда бир ўзи қолади? Бизга шуниси муҳим. Ҳилола кинояли илжайди.

— Эркакларнинг ҳаммаси шунақа бе-сабр бўлишади-да-а?! Хўш-ш, Ўғил-ой опа кечқурун соат тўққизларда ёлғиз қолади. Ав-вал ҳамшира бўлиб ишлаган. Қўни-қўшнilar укол қилдиргани кириб тури-шади. Биз ҳам укол баҳонасида уйига ки-риб олшимиз мумкин.

Унинг режаси ҳаммага маъқул тушди. Бир қарашда иш ҳамирдан кил суғурган-дай осон битилгандай эди. Кетиш тарал-дудига тушган Дилшунос:

— Бу ишни орқага суриб бўлмайди. Эр-тагаёк уни бирёқли қиламиз. Хуллас, эртага кечки соат саккиз яримда келамиз. Сиз ҳам



СУД ОЧЕРКИ

АЁЛ ДЕГАН НОМ...

пичоқ-мичқоқларни тайёрлаб қўйинг! Бўлма-са биз кетдик. — дея ўришдан турди. Унинг ортидан қолганлар ҳам қўзғалишди...

15 октябр. Гуруҳ операцияни амалга оширадиган вақт яқинлашиб келарди. Гуруҳ аъзолари Тоҳир, Ҳалимжон, Мақ-сад ва Рўзиматжонлар Дилшуноснинг кўрсатмаси билан Қўзон шаҳридан маши-на ушлаб, Данғара туманига йўл олишди. Ўғил-ойнинг уйига яқинлашган, Тоҳир шерикларини машинадан тушириб, ҳай-довчига уларни кутиб туришни тайинла-ди-да, ўзи йўл бошлади. Ўғил-ой опанинг дарвозасига келишган, Тоҳирнинг буйруғи билан Ҳалимжон деразани тақиллатди. Зум ўтмай деразани Ўғил-ой опа очди. Ҳалим-жон дарров муддаога ўтди.

— Кечирасиз опа, кеч бўлганда сизни-ям безовта қилиб қўйдик. Нариги қишлоққа, оғайнимизникига меҳмонга келган эдик. Қайтаётганимизда бир шеригимиз-нинг мазаси бўлмади қолди. Сўраб-суриш-тириб сизни топиб келдик. Шунга укол қилиб қўйсангиз дегандим.

Ўғил-ой опа эътироз билдирмади. Ҳалимжон шерикларининг олди-га қайтди: — Рози бўлди. Кетдик ичкарига.

Ичкарида уларни Ўғил-ой кутиб олди: — Келинлар! Кимга укол қилиш керак? — Тоҳир унга яқинлашди, ёнидан пичоқ чиқарди: — Ўзимиз сента укол қилиб қўямиз, — дея Ўғил-ойнинг сочидан тор-тиб, бўғзига пичоқ тиради. — Қани тез га-пир! "Кўкат"лар билан тилла тақинчоқла-

ринг қаерда? Ўғил-ойнинг эси чиқиб кетаёзди. Жавоб берай деса, тили калимага келмайди. То-ҳир уни баттар сикувга олди:

— Сента нима деяпман? Гапимни ту-шунмадингми? Бизга тилла билан пул керак, — деб Ўғил-ойнинг юзини пичоқ-нинг учи билан тилиб юборди.

Ўғил-ой иложсиз қолганидан босқинчи-ларга умр бўйи тўплаган жами 9 млн. 126 минг 120 сўмлик мулкени ўз қўли билан топширди.

Катта ўлжага эга бўлган жиноятчилар машинага ўтириб, Қўзон шаҳрига жўнаш-ди. Машина Қўзон шаҳридаги Ҳалимжон-нинг "Paynet" дўкони олдида тўхтади. Шун-дан сўнг жиноятчилар дўконга кириб, мулкларни тақсимлашга киришдилар. Ҳалимжон Тоҳир, Мақсад ва Рўзиматжон-ларга 130.000 сўмдан берди. Улар уйлари-га кетишган, Ҳалимжон тилла тақинчоқ-лар билан 4 минг АҚШ доллари ва 410 минг сўми Дилшуносга олиб бориб бер-ди. Бу орада у ўз хизмат ҳақи учун "Ракета" номли тилла узук билан 130 минг сўм суғуриб қолди. Ўз навбатида Дилшунос бир донга тилла занжир билан 25 минг сўмини жиноий режа тузишда фаоллик кўрсатган Ҳилолага юборди...

Жиноий гуруҳ қўлга олинди, жиноий жавобгарликка тортилди. Бир сўз билан айтганда адолат қарор топди. Бироқ, шу ўринда бир мулоҳаза: бирон жиноий гуруҳ ҳақида гап кетганда гуруҳ раҳбари сифа-тда одалат эркаклар тилга олинади. Юқоридаги ҳолатда эса афсуски тўдабо-ши аёл киши эди...

Абдулфоттих СОЛИЕВ,
Фаргона вилоят
прокуратураси бўлим
бошлиғи

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилоят филиали очик Танлов ва Аукцион савдоларига таклиф этади

1. Кўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi танлов савдосига Қоровулбозор туманида жойлашган "Уз-паркурилиш" ОАЖ балансидаги Курилиш тўғаланимаган бино кўйилади.

Танлов шарт: энг юқори миқдорда сармоя киритиш ва энг юқори нархни таклиф этиши.

Бошлангич баҳоси 320 679 880 сўм.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очини 2009 йил 15 сентябрь соат 15.00дан бошлаб Бухоро шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Хўжжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин, яъни 15 сентябрь соат 12.00да тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва куйидаги хўжжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:

Танлов қатнашчисининг талабномаси; таъсис хўжжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, тўвоҳнома) хорижлик сармоядорлар — ҳўқуқли шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил

бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис хўжжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун хўжжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган хўжжат нусхаси илова қилинган ҳолда; талабгорга хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш мuddати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертга маҳкамланиб, муҳрлиб такдим этилиши лозим (объектни сотиб олиш ва сармоя киритиш баҳоси унинг бошлангич баҳосидан кам бўлмаслиги шарт); закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов хўжжати нусхаси ва талабгорнинг реқвизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган хўжжат нус-

хаси илова қилинган ҳолда. Хўжжатлар шахсан ваколатли вакил топириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши шунингдек такдим этилган хўжжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Савдо голлиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши керак.

Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, объектнинг такрорий танлов савдолари 2009 йил 29 сентябрь, 13, 27 октябрь кунлари соат 15:00 да юқорида кўрсатиб ўтилган шартларда ўтказилади.

II. 2009 йил 15 сентябрь соат 12.00 дан бошлаб бошлангич баҳоси охири бориши тартибидagi Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖЖДКК департаменти Бухоро вилоят бошқармасига қарашли Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 4-уйда жойлашган 1996 йилда и/ч "ВА3-2106" рўсумили, давлат рақами 20 АЕ 619, двигатель рақами 4058300, ран-

ги яшил автотранспорт воситаси кўйилади. **Бошлангич баҳоси 2 820 000 сўм.**

Аукцион савдоси Бухоро шаҳри, Ўзбекистон мустақиллиги кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 22, 29 сентябрь, 6, 13, 20, 27 октябрь кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Танлов ва Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Сардор филиали МФО 00119, СТИР 206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумотлар ва танлов хўжжатларини куйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10 уй, 3-қават. Телефон: (8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01. Email: Bux_RMA_DK@Inbox.ru

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиали очик Аукцион савдоларига таклиф этади

Бошлангич баҳоси охири бориши тартибидagi Аукцион савдосига яқка тартибда уй-жой қуриш ва умрбод эгалик қилиш учун куйидаги ер майдонлари куйилади:

1. 2009 йил 16 сентябрь соат 11.00 да Урганч тумани, "Чак-кашпилик" қишлоғи, "Шерматлар" маҳалласида жойлашган юзаси 420 кв.м. дан 437 кв.м.гача бўлган 6, 8, 11-16, 21-32, 37-48, 53-64-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

2. 2009 йил 18 сентябрь соат 11.00 да Урганч тумани, "Чак-кашпилик" қишлоғи, "Шерматлар" маҳалласида жойлашган юзаси 420 кв. м.дан 437 кв.м.гача бўлган 69-80, 85-96, 101-112, 119-135-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

3. 2009 йил 22 сентябрь соат 11.00 да Қўшқўпри тумани, "Кенпегас" қишлоғида жойлашган юзаси 600 кв. м.дан иборат (400 кв. метрга уй-жой қуриш, 200 кв.метрга дехқон хўжалигини юритиш) 4 та ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 200 000 сўм.**

2009 йил 22 сентябрь соат 11.00 да юзаси 600 кв.метрдан

иборат (300 кв. метрга уй-жой қуриш, 300 кв.метрга дехқон хўжалигини юритиш учун) куйидаги ер майдонлари:

4. Гурлан тумани, "Бирлашган" қишлоғи, "Бирлашган" маҳалласида жойлашган 1 та ер майдони. **Бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

5. Гурлан тумани, "Бирлашган" қишлоғи, "Бирлашган" маҳалласида жойлашган 2 та ер майдони. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

6. Гурлан тумани, "Вазир" қишлоғи, "Кангли" маҳалласида жойлашган 5 та ер майдони. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

7. Гурлан тумани, "Бирлашган" қишлоғи, "Нукус" маҳалласида жойлашган 2 та ер майдони. **Ҳар бирининг бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

8. 2009 йил 22 сентябрь соат 11.00 да Гурлан тумани марказининг 2-маҳалласида жойлашган юзаси 420 кв.м.дан иборат (200 кв. метрга уй-жой қуриш, 220 кв.метрга дехқон хўжалигини юритиш учун) 1 та ер майдони. **Бошлангич баҳоси 300 000 сўм.**

Ҳар бир талабгор битталан кўп бўлмаган ер майдони со-

тиб олиши мумкин.

Аукцион савдолари Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлар закалат келишуви тузилгандан сўнгра майдони бошлангич баҳосининг 100 (юз) фоизи миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиалининг Урганч шаҳар "Ипотека банк" Тинчлик филиалидаги МФО 00580, СТИР 206761326, 20210000004537599008 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Ушбу кундаги аукцион савдосида сотилмай қолган объектларнинг такрорий савдолари 2009 йил 22, 29 сентябрь, 6, 13, 20, 27 октябрь, 3, 10, 17, 24 ноябрь, 1, 15, 22, 29 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 220100, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30 уй, 1 қават, 106-хона. Тел./факс (8362)770-44-01, 226-84-39. Email: info@mulk.uz

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади

Бошлангич баҳоси охири бориши тартибидagi Аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари куйилади:

1. 2009 йил 18 сентябрь соат 15.00 да Тошкент тумани, Кўктерек қишлоғида жойлашган "Уздаваркент" ўсимликлар карантини илмий марказига қарашли 1989 йилда и/ч техник носоз "ИЖ 271567", давлат рақами 11 АҚ 131, дигиталь рақами 6296448, ранги оқ (лотос). **Бошлангич баҳоси 276 758 сўм.**

2009 йил 21 сентябрь соат 15.00 дан бошлаб

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри, Юнус-обод тумани, Тожик кўчаси, 1-уйда жойлашган 1997 йилда и/ч "Дамас", давлат рақами 10 АА 557, двигатель рақами 519396, кузов рақами ULV7T11YDVA003739, ранги теминосий. **Бошлангич баҳоси 4 156 000 сўм.**

3. Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чопонота II-кварталда жойлашган 1997 йилда ишлаб чиқарилган "ДЭУ-Супер салон", давлат рақами 01/618 ВАА, кузов рақами 118036, двигатель рақами

219648, ранги қора. **Бошлангич баҳоси 9 661 000 сўм.**

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талаб-

горлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (соат 12.00да) тўхтатилади.

Ушбу кундаги аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса объектнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 28 сентябрь, 5, 12 октябрь кунлари соат 15:00 да ўтказилади.

Кўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82, факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz, www.mulk.uz.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиали очик Аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2009 йил 9 сентябрь соат 10.00 дан бошлаб бошлангич баҳоси охири бориши тартибидagi Аукцион савдосига Кармана тумани, "Дўстлик-2" кўрғонда жойлашган яқка тартибда уй-жой қуриш учун 400 м² бўлган 962-976-сонли жами 31 та ер майдони куйилади. Ҳар бир ер майдонининг бошлангич баҳоси 150 000 сўм. Закалат пули миқдори 22500 сўм.

Аукцион савдоси Кармана тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уйда жойлашган Алишер Навоий номи маданият уйи биносига ўтказилади. Талабгорлардан хўжжатларни ҳар

кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00дан 18.00гача юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда қабул қилинади ва савдо бошланишидан 3 кун олдин (4 сентябрь соат 18.00да) тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган объектлар такрорий аукцион савдоси 2009 йил 16, 23, 30 октябрь кунлари соат 10-00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиалининг ДАТ "Асака" банки Навоий вилоят филиалининг МФО:00206,

СТИР:2065761326, 20210000404537599014 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади. Ҳар бир талабгор банкдан омонат ҳисоб рақами очибро ваколатли органга такдим этиши шарт.

Кўшимча маълумотни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Кармана тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй, А. Навоий маданият уйи биноси, 2-қават. 210100, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй, телефон: (8 436) 770-23-34, E-mail: info@mulk.uz.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиали очик Аукцион савдоларига таклиф этади

2009 йил 14 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб бошлангич баҳоси охири бориши тартибидagi Аукцион савдосига Наманган вилояти прокуратурасига қарашли Наманган шаҳри, Сирғали кўчаси, 18-уйда жойлашган куйидаги автотранспорт воситалари куйилади:

1. 1998 йилда и/ч таъмирталаб "Нексия", давлат рақами 50 716 ААА. **Бошлангич баҳоси 9 492 000 сўм.**

Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар куйидаги хўжжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:

Белгиланган шаклдаги талабнома. Закалат тўғрисида келишув. Юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги тўвоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хўжжат илова қилинган ҳолда. Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хўжжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов хўжжати асл нусхаси.

Савдо голлиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этса этишмаётган сумман шартнома тузилгунга қадар тўлаши шарт.

2. 1998 йилда и/ч таъмирталаб "Нексия", давлат рақами 50 718 ААА. **Бошлангич баҳоси 8 819 300 сўм.**

Аукцион савдоси Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уйда жойлашган ДМҚ вилоят бошқармаси биноси савдолар залида бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган объектнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 24, 30 сентябрь

соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлимидаги МФО-00223, СТИР 206761326,

202100004537599004 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Кўшимча маълумотни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15-хона. Тел./факс: (8 369) 223-04-01, 226-41-66, E-mail: info@mulk.uz.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Бош прокуратура жамоаси, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва Фарғона вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Йўлдошли УСМОНОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Бош прокуратура жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Туреунук СҲУНДИҚОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чўқур тазия билдиради.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрда бўлиб ўтган 34-сессияси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон пойтахтининг инсон цивилизациясини ривожлантириш ва замонавий халқро ҳамкорликни мустақамлаш борасида тутган ўрни ва аҳамиятига берган юксак баҳосидан далолатдир. Бугун Тошкентнинг бўлажак юбилейи муносабати билан кенг қўламли қурилиш, реконструкция, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган улкан бунёдкорлик марказига айланган десак, муболаға бўлмайди.

Шаҳар ҳақидаги маълумотлар эраимдан аввалги VI асрда юнонистонлик ва римлик тарихчилар битиб қолдирган манбааларда тилга олинган. Улар ушбу ҳудудда аҳоли яшайдиган ажойиб воҳа мавжудлиги ҳақида ёзиб қолдирганлар. Тошкент ҳудуди азалдан Ўрта Осиёдаги қадимий деҳқончилик ва шаҳар маданияти бешикларидан бири ҳисобланади. Айнан шу ерда турли асрларда пойтахт сифатида Чоч ёки Шош, Бинкат, кейинчалик Тошкент номи билан донг таратган шаҳар пайдо бўлди. Унинг ривожланишига бой табиати рангбаранг ҳайвотот ва наботот олами, қўлай иқлим шароити ва мавжуд сув ресурслари муҳим омил бўлди. Айнан шу ердан Фарб ва Шарқни минг йиллар давомида ўзаро боғлаган, билим, технологиялар ва маданият алмашинуни тўқинлаган Буюк ипак йўлининг ўтгани ҳам катта аҳамият касб этган.

Археологлар томонидан Тошкент ҳудудида топилган дастлабки шаҳар типидagi қишлоқлар эраимдан аввалги II асрга мансуб бўлиб, юз йиллардан сўнг унинг ўрнида мудоффа деворлари ва қўرғонга эга шаҳар вужудга келган. Олимларнинг фикрича, Тошкент ўз номига, Гачи тошдан қурилмаган бўлсада, Чоч аҳолисининг озодлигига таҳдид солган душманларга қарши курашда қўрсатган мардлиги ва жасорати туфайли эга бўлган. Бу ерда қўпал ҳунармандчилик, жумладан қўлқўчилик, гиламдўзлик, мато, қўроқ-аслаҳа тайёрлаш, савдо ва маданият ривожланган, муҳташам саройлар, мачит ва мадрасалар барпо этилган. X аср охирида Абу Райҳон Беруний асарларида шаҳар Тошканд номи билан аталган. Уша пайтда Тошканд турли-туман маҳаллоларга бой бўлган бозорлари, меҳмондўст қарвонсаройлари, шунингдек, бағрикенглиги, одамларнинг самимийлиги билан ҳам довруғ қозонган. Ушбу эгу аънана минг йиллар оша давом этиб келмоқда ва бугунги кунда янги маъно-мазмун билан бойи-моқда. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида шаҳар том маънода илм-фан, таълим ва ислом маданиятининг марказига айланган. Уша пайтларда ноёб меъморий иншоотлар — ўнлаб бетакрор мадрасалар, мачитлар, мақбаралар қад ростлаган. Бу ерда таниқли олимлар, файласуфлар, шоирлар яшаб, ижод қилган.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошида Тошкент Ўрта Осиёнинг йирик савдо, саноат ва маданий марказига айланди. Улкан маърифат ишларини амалга оширган, мактаблар очиб, дарсликлар, газеталар чоп этган жадидлар ҳаракати ҳам айнан шу шаҳарда фаолият юритди. 1918 йилда Тошкентда Марка-

зий Осиё минтақасидаги илк халқ университети ташкил этилди. 1920 йилда ушбу университет негизинда Туркистон университети ташкил этилган. Бугун у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталади. Фаилар академияси, ўнлаб илмий муассасалар ва олий ўқув юртлири пайдо бўлди. Йирик саноат корхоналари, театрлар, тиббиёт муассасалари фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши Ватанимиз пойтахти тарихида янги даврни бошлаб берди. 1991 йилдан буён ўтган вақт мобайнида Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди ва бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Йигирма икки асрлик тарихга эга Тошкент бугун ўзининг ҳусну таровати, бетакрор замонавий иншоотлари, гўзал боғлари билан жаҳоннинг энг ривожланган ва чиройли шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Умуман, Мустақиллик шабадаси эса бошлаганидан бери шаҳарнинг замонавий қиёфасини шакллантиришда миллий ва замонавий меъморий ечимларнинг энг илгор ютуқларидан унумли фойдаланилди. Бундай залворли ўзгаришлар жараёнида қўплаб йўлқўзгичлар ишга туширилди, халқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидлар барпо этилди. Бозорлар, аэропорт ва вокзал бинолари деярли қайта қурилди. Замонавий меҳмонхоналар, маданият саройлари, музейлар, банклар, спорт мажмуалари қад кўтарди.

Тошкентнинг юраги деб таърифланган Эски шаҳар ҳам юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг янада ўзгача қиёфа, ўзгача руҳ касб эта бошлади. Эски шаҳарнинг пойтахт ҳаётида тутган стратегик аҳамияти беқиёс экани туфайли ҳудудимиз 1994 йилдан эътиборан мақzur ҳудуднинг тараққиётига, ривожига ва ёшаришига катта аҳамият бериб келмоқда. Зеро, ушбу маскан тарих билан бугунги фаровонликини боғлаб турувчи ришта, кўприк ҳамдир.

Эски шаҳар бундан бор-йўли 10-15 йил илгари қай аҳволда бўлганини ҳамшаҳарларимиз яхши эъласалар керак. Икки машина рубару келиб қолганда, бир-бирига йўл беришга мажбур бўладиган тор кўчалар, табиий газ ва ичимлик сувидан узоқ, ласткам уйлар шаҳар ҳуснига ярашмас эди. Энди эса Эски шаҳарни обод этиш юзасидан амалга оширилган ишлар самаралари кенг ва раvon кўчаларда, янги кўркам турар-жойлар, мактаб ва поликлиникалар, маҳалла гузарларида ўз аксини топмоқда.

Эски шаҳар ўзининг олис ва бой тарихи давомида бошидан қанча-қанча синов ва машаққатларни ўтказган, не-не буюк воқеаларнинг гувоҳи бўлган, доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий маъқеини сақлаб турган. Асосан ҳунармандчилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланган эски шаҳарликлар барча давларда ўз аъналарига содиқ қолиб, урф-одатларини, ҳунарларини, билим ва салоҳиятларини авлоддан-ав-



БОШ КЕНТ:

КЕЧА ВА БУГУН

лодга етказиб келишга муваффақ бўлганлар. Шу билан бирга Эски шаҳарнинг меҳмондўст, танти, мард, меҳнатқаш, шибибармон, талдиркор, укувли, зиёли аҳли ҳудуд руҳига, нуфузига муносиб ҳаёт тарзини намойиш қилишда давом этмоқда.

2007 йили "Тошкент — ислом маданияти пойтахти", деган юксак ном жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимиз ва унинг пойтахтига чуқур эҳтиромининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ҳамшаҳарларимиз Ҳазрати Имом (Ҳасимом) маҳалласи ҳудудини Эски шаҳарнинг норасмий маркази сифатида билдирди. Ҳозирги кунда бу ердаги Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашахт масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар кўзни қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини намойиш қилиб турибди.

Қўқалдош ва Абулқосим мадрасалари, Шайх Зайниддин ва Шайх Хованди Тоҳур каби қадимжолар тарихий обидалар, ёдгориқлар ҳам кўҳна ҳудуд салобатига салобат қўшиб турибди. Шу кунгача улар пойтахтимиз тўйи муносабати билан таъмирланди, ободонлаштирилди, уларни янги, бондорқ тарғиб этишга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди ва ҳануз давом этмоқда.

Едингида бўлса, Сағбон, Зарқайнар, Фаробий, Чуवालчи, Қорасарой, Қумлоқ, Себзор, Чигатой, Аллон, Қўқча каби кўча ва маъзалар илонизи, тор, ёзда чанг, қишда лой йўллardan иборат эди. Йўл борган жойга тараққий боради, йўл ўтган жойда ҳаёт туркирайди. Ана шу ақлдан келиб чиқиб, уша манзара билан бугунги манзарани солиштириб кўриш ки-

фоя. Кенг ва раvon, ёруғ ва қўлай йўллар Эски шаҳарни ёшартириб юзюрган.

Эски шаҳарнинг қадимий маҳаллалари ва бозорлари ҳамон ўз номи билан бирга ўз жозибасини ҳам сақлаб олган. Олмазор, Хадра, Ўқчи, Қашгар, Сарикўл, Шивли, Яланғоч, Жангоҳ, Лабзак, Тақачи, Тахтапул, Тешикқоққа, Ҳасимом (Ҳазрати Имом), Қақар, Чуवालчи, Эски жўва, Қўшпўт, Сағбон, Калковуз (Кайковуз), Кохота, Қумлоқ, Оқтепа, Чимбой, Қорасарой, Қаллақона, Қўқча, Самарқанд дарвоза, Себзор, Лангар, Оқдон, Аллон, Оқтепа, Сақчимон (Сақчимон), Учтепа, Хотинкўприк, Чимирота, Бешёғоч, Чорсу, Чўпнота, Эшонгузар, Новза, Қоратош каби қадим маҳалла ва маъзаларнинг номи ҳозиргача бизнинг тарихимиздан акс садо бериб турибди.

Тошкентдаги "Чорсу", "Олой", "Паркент", "Чилонзор", "Миробод" каби бозорлар тўдан реконструкция қилинди. Бозорлар юрт кўрки, деган гап бор. Пойтахтимизда айни пайтда замонавий, кўркам ва қўлай юзлан ортик буюм бозори, деҳқон бозори, шунингдек, қурилиш материаллари савдосига ихтисослашган бозорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда сопилаётган ранг-баранг маҳсулотларнинг бир қисми хориждан олиб келинаётган бўлса, асосий қисми маҳаллий тадбиркорлар томонидан тайёрланаётгани ҳам таъсирга лойиқ.

Пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда йўлсозлик ботида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, кўприклар бугун кенг, раvon, ёруғ кўчаларимизга тароват бахш этиб турибди, ҳаракат қўлайлиги ва хавфсизлигини таъминлаётган. Техник жиҳатдан халқро талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, маҳобатли транспорт

боғламаларнинг қўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қўлайликлар яратмоқда. Айниқса, пойтахтимизнинг тирбанд чорраҳаларида бунёд этилган ўнлаб кўприклар аҳолининг ўзгини яқин, оғирини енгил, вақт ва маблагини тешашга хизмат қилмоқда.

Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш кўчасида Тошкент шаҳрига ўзгача кўрк бағишлаган дастлабки замонавий кўприк бунёд этилди. Умумий узунлиги 1151 метр бўлган ушбу иншоот шаҳарнинг уч туманини ўзаро боғлади.

Шундан сўнг Кичик халқа йўлининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди ва магистралнинг энг муҳим қисмида учта кўприк барпо этилди. Буюк Ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад ростлаган бу иншоотлар Кичик халқа йўлининг давомийлигини таъминлади. Унинг узвий бир қисми сифатида 2002 йилда Жанубий вокзал рўпарасида яна бир кўприк бунёд этилди.

Шундан сўнг 2003 йилда Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесилган жойда навбатдаги кўприк қад ростланди. 2004 йили эса Амир Темур кўчаси билан Ҳусниддин Асомов кўчаси кесилган чорраҳада янги кўприк фойдаланишга топширилди.

2005 йили Катта халқа йўлида — Сирғали тумани ҳудудидаги чорраҳада улкан йўл ўтказгич бунёд этилди. Шу тариқа Усмон Носир кўчаси Сирғали, Қўйил ва Чилонзор буюм бозорига борадиган кўчалар билан кесилган йирик чорраҳада қурилган йўлқўзгич ва Эркин кўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги олти километрлик янги йўл Тошкент катта автомобиль халқа йўлини боғлади.

Шу пайтгача мамлакатимизнинг Шимолий ва Жанубий вилоятларидан келаётган транспорт оқимининг бир қисми Фарғона vodiysi вилоятларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги (ҳозирги Бунёдкор) кўчаси орқали ўтган бўлса, эндиликда бундай ортиқча ташвишга чек қўйилди. Янги йўл "Олмота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Ўш" халқро автомобиль йўлларини бир-бирига боғлади.

Шундан сўнг Чилонзор туманидаги Кичик халқа йўлининг Бунёдкор кўчаси билан кесиладиган чорраҳасида ишга туширилган баландлиги 7,5 метрлик улкан кўприк ва унинг атрофида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ҳудуд қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Узунлиги 347, эни 30 метр бўлган мақzur йирик иншоот гоат қисқа вақт — икки ойу йигирма кунда битказилди.

Хуллас, биттагина мақола билан пойтахтимизда олиб борилган, олиб борилаётган ва режалаштирилаётган ишларнинг барчасини қамраб олишнинг иложи йўқ. Битта саҳифада қўлга киририлган муваффақиятларни санаб адоқ қилиб бўлмайди. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Тошкент ўзининг тўйини янада гўзал ва янгиҳа қиёфада кутиб олишга ҳозирлик қўрмоқда. Зеро, унинг тимсолида қадимий аънаналар ва замонавийлигини ўзида ифода этган, Шарқнинг ҳақиқий гавҳари, дарвозаси, келажакка итилган мамлакат — Ўзбекистоннинг бош кенти номига муносиб шаҳар намоё бўлади.

Нодир МАҲМУДОВ,
журналист

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupbov G'OIROV,
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALK

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilgan «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijaorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-7917. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.NAMIDOV
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Navbatchi: O.DEHONOV
Musahhili: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 21.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617